

ШАРТНОМА № 71ег-100-2022

Ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон «E-qaror» тизимидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш бўйича

Тошкент ш.

26.01 2022 й.

Самарқанд вилояти Тайарик туман (шаҳар) ҳокимлиги, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи Самарқанд вилояти Тайарик туман (шаҳри) ҳокими З.Эргашев тимсолида, бир томондан, «UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ, кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади, Устав асосида ҳаракат қилувчи Бош директор Э.И. Гимранов тимсолида, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда «Тарафлар» деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июндаги 390-сон қарорига мувофиқ Ижрочи Буюртмачига ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон «E-qaror» ахборот тизимидан (кейинги ўринда – Тизим) фойдаланишда абонентларга қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат фойдаланувчиларининг Ягона идентификация тизимида (id.egov.uz) рўйхатдан ўтиш ва ишлашида консултация бериш;

– Тизимда ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг шахсий кабинетини яратиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– Тизимда ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг масъул ходимига модератор ролини бириктириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг бланklarини (кузатув хатлари, ҳоким қарори, ҳоким фармойиши, маҳаллий депутатлар кенгаши қарори) Тизимга киритиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Тизимда ишлаши бўйича методологик қўлланмалар билан таъминлаш, Тизимдаги техник ўзгартиришлар бўйича зарур ҳолларда янги қўлланмаларни яратиш, ўзгартириш ва ўчириш;

– ҳокимлик марказий аппарати ва туман/шаҳар даражасидаги барча давлат ташкилотларининг ходимларини Тизимда ишлаши бўйича консултация бериб бориш.

Буюртмачи эса Ижрочи томонидан бажарилган ишларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш ва мазкур шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган абонентлик тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида (кейинги ўринда «Ҳазначилик» деб юритилади) Буюртмачи томонидан рўйхатдан ўтказилиб, дастлабки тўлов - бўнак амалга оширилгандан сўнг 1 (бир) иш куни ичида ишларни бажаришни бошлайди.

2. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу Шартномада назарда тутилган ишлар якуни бўйича Ижрочи ҳар ойда Буюртмачига амалдаги қонунчиликда белгиланган шаклда ва тартибда ҳисоб-фактурасини тақдим этади.

2.2. Буюртмачи Ижрочи томонидан киритилган ҳисоб-фактурани 5 (беш) кун ичида кўриб чиқади ва имзолайди. Буюртмачида амалга оширилган ишларнинг сифатига эътирозлари мавжуд бўлса, бу ҳақда Ижрочини ёзма равишда бартараф этилиши лозим бўлган камчиликларни кўрсатган ҳолда огоҳлантиради. Буюртмачи томонидан 5 (беш) кун ичида ҳисоб-фактура

асослантилган ҳолда имзолаш рад этилмаса, Ижрочи ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади ва Буюртмачида амалга оширилган ишлар доирасида Ижрочига тўловни амалга ошириш мажбурияти пайдо бўлади.

2.3. Шартноманинг 2.2-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилишни рад этиш ҳолати юз берганда Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этиш муддатлари кўрсатилган далолатнома тузилади.

2.4. Ҳисоб-фактура Буюртмачи ва Ижрочи томонидан амалдаги қонунчилик талаблари асосида имзоланади.

3. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Шартномада назарда тутилган техник ишларни амалга оширилганлик учун абонентлик тўлови **2022 йил 1-чорак учун** жами ҚҚС сиз **9 000 000 (тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади. Шартноманинг умумий миқдори буйича хар ойлик тўлов ҚҚС сиз **2 100 000 (икки миллион юз минг)** сўмни ташкил қилади.

3.2. Шартнома буйича тўлов Буюртмачининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидаги ҳисоб рақами орқали пул ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

3.2.1. Буюртмачи дастлабки тўлов сифатида абонентлик тўловининг 30%ни, яъни ҚҚС сиз **2 700 000 (икки миллион етти юз минг)** сўмни шартнома Молия вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни ичида Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб беради.

3.2.2. Шартнома буйича кейинги тўловлар ойма-ой Буюртмачи томонидан абонентлик тўловининг 70% миқдорида Ижрочи томонидан ҳисоб-фактура тақдим этилган кундан бошлаб, 5 (беш) банк куни мобайнида Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади,

3.2.3. Шартномада назарда тутилган ишлар якунида Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома доирасида ҳисоб-китоблар солиштирувини амалга оширишлари мумкин. Ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси Ижрочи томонидан Буюртмачи сўровига мувофиқ тақдим этилади.

3.3. Ижрочининг ҳисоб рақамига дастлабки тўлов келиб тушган сана хизматлар кўрсатишни бошлаш санаси ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. Буюртмачи ҳуқуқлари:

4.1.1. Ижрочидан мазкур Шартнома буйича олинган мажбуриятларни шартнома шартларига ва шартномада белгиланган муддатларга амал қилишни талаб қилиш;

4.1.2. Ижрочи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириш ва камчиликларни бегараз бартараф этишни талаб қилиш;

4.1.3. Ижрочи мазкур Шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажармаган ҳолатларда, ишларни молиялаштиришни тўхтатиш;

4.1.4. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

4.1.5. Тизимни такомиллаштириш ва янгилаш буйича Ижрочига таклифлар киритиш.

4.2. Ижрочи ҳуқуқлари:

4.2.1. Буюртмачи томонидан ҳисоб-фактураси, камчиликларни бартараф этиш далолатномаси вақтида кўриб чиқилмаган ёки вақтида пул маблағлари ўрнатилган тартибда ўтказилмаган ҳолларда ишларни амалга оширишни тўхтатиб туриш, шартномани бекор қилишни талаб қилиш;

4.2.2. Мазкур Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни - субижрочиларни жалб қилиш;

4.2.3. Тизимнинг барқарор ишлашига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган фойдаланувчиларни Тизимдан ўчириш.

5. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Буюртмачи мажбуриятлари:

5.1.1. Шартномада назарда тутилган ишлар юзасидан Ижрочи билан ўзаро муносабатларга киришувчи масъул шахс ажратиш;

5.1.2. Шартномада назарда тутилган ишларни амалга ошириш учун Ижрочига зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

5.1.3. Шартномани амалга оширишда маълум бўлган тижорат сири, молиявий маълумотлар, Тизимнинг техник хусусиятлари ва бошқа махфий маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

5.1.4. Тизим ишлаши учун ўз ташкилоти доирасида шароит яратиш;

5.1.5. Ижрочи томнидан киритилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиш;

5.1.6. Шартноманинг 3.1-бандида белгиланган пул маблағларини ўз вақтида тўлаш;

5.1.7. Ижрочи томонидан мазкур Шартнома имзоланиб, тақдим этилгандан кундан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказиш.

5.2. Ижрочи мажбуриятлари:

5.2.1. Шартноманинг 1.1 бандида белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

5.2.2. Шартномани ижро этиш масалаларида Буюртмачи билан ўзаро муносабатларга киришувчи масъул шахс ажратиш;

5.2.3. Шартномани ижро этиш жараёнида Буюртмачи сўровига биноан тизимни такомиллаштириш бўйича таклифларни амалга ошириш ва ҳолати юзасидан маълумот бериш;

5.2.4. Шартномани бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларига риоя қилиш

5.2.5. Шартномани амалга оширишда маълум бўлган тижорат сири, молиявий маълумотлар ва бошқа махфий маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

5.2.6. Кафолатланган техник хизмат кўрсатиш доирасида Тизимдан фойдаланишда аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш;

5.2.7. Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тарафлар мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки тўлиқ бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган даражада тенг жавобгар бўладилар.

6.2. Тарафларда мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ҳолатлари юзага келса, тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳал қилинади.

6.3. Мазкур Шартнома Буюртмачи ташаббусига кўра муддатидан аввал бекор қилинса, Ижрочига амалда бажарилган иш ҳажми учун пул маблағларини тўлаб беради.

6.4. Ижрочи мазкур Шартномада белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажармаган тақдирда Буюртмачига Шартнома доирасида ўтказиб берган барча пул маблағларни қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шундай ҳолатда Ижрочи Буюртмачининг талаби келиб тушгандан 15 (ўн беш) кун ичида мазкур пул маблағларини қайтариб беради.

6.5. Ижрочи ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган тақдирда мажбуриятларни бажаришни кечиктирилган ҳар бир кун учун Буюртмачига кечиктириб бажарилган мажбуриятлар қийматининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктириб бажарилган мажбуриятлар умумий қийматининг 50% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Буюртмачи тўловларни кечиктирган тақдирда Ижрочига ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўловлар миқдорининг 50% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. ШАРТНОМАНИ ИЖРО ЭТИШ

7.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган шартлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида бажарилиши шарт.

7.2. Мазкур Шартнома барча тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ҳолатда ижро этилган ҳисобланади.

7.3. Мазкур Шартномани ижро этишдан бир тарафлама воз кечиш ёки мазкур Шартнома шартларига бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

7.4. Ижрочи томонидан мазкур Шартномада назарда тутилган ишларни амалга оширилганлик факти Ижрочи ва Буюртмачи томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб фактура билан тасдиқланади.

7.5. Мазкур Шартноманинг ижро этиш муддатлари тарафларнинг розилиги билан қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартирилиши мумкин.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлар мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар ушбу вазият шартнома тузилган кейин юзага келган ва олдиндан кутилмаган фавқулодда вазиятлар, енгиб бўлмас куч (форс-мажор) туфайли юзага келганини исботлаб берсалар жавобгарликка тортилмайдилар,

8.2. Форс-мажор ҳолатларига ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар (зилзила, сув тошқини ва бошқалар) киради.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида тарафлар бир-бирини ушбу вазият юзага келганлиги маълум бўлган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида огоҳлантиришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вазиятда, мажбуриятларни бажариш муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, тегишли Газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрига қадар амал қилади.

9.2. Мазкур Шартнома қўйидаги ҳолларда муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин:

9.2.1. Тарафларнинг ёзма келишуви асосида, қўшимча келишув тузган ҳолда;

9.2.2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда.

10. ТЕХНИК ХИЗМАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур Шартномага мувофиқ техник хизмат кўрсатишда қўйидаги атамалардан фойдаланилади:

“Масъул маъмур” – Ижрочининг Тизим билан ишловчи ва уни консултатив ва техник қўллаб-қувватловчи ходимлари;

“қўшимча” – дастурий таъминотнинг ишга туширилгандан кейин қўшимча функционаллар қўшиш ёки мавжудлари имкониятини кенгайтиришга эҳтиёж сезиш;

“хатолик” – авария, носозлик ва муаммо юзага келганда фойдаланилиувчи умумий атама;

“техник қўллаб-қувватлаш” – фойдаланувчи томонидан Тизимнинг дастурий таъминотида юзага келган хатоликни жойига чиққан ҳолда бартараф этиш;

“қўшимча хизматлар” – Ижрочи томонидан тақдим этилувчи техник қўллаб-қувватлаш таркибига кирмайдиган хизматлар.

“қўллаб-қувватлаш алоқа линияси” – Ижрочи томонидан Буюртмачига хатолик юз берганда

ва қўшим хизматларни тақдим этиш учун сўров юбориш учун ажратилган алоқа воситаси;

“техник қўллаб-қувватлашга сўров юбориш” – Буюртмачи вакили томонидан Тизим илова дастурий таъминотида юзага келган хатоликни бартараф этиш сўровини юбориш;

10.2. Консултатсия ва техник қўллаб-қувватлаш қўйидагича амалга оширилади:

10.2.1. Дастурий таъминотдаги хатоликни жойига чиққан ҳолда бартараф этиш;

10.2.2. Буюртмачи вакилининг саволларига масъул маъмур томонидан жавоб бериш.

10.3. Консултация Ижрочи томонидан ўзбек ва рус тилларида телефон ёки электрон почта манзили орқали, техник қўллаб-қувватлаш эса жойига чиққан ҳолда амалга оширилади. Консултация ва техник қўллаб-қувватлаш алоқа линияси иш кунларида (амалдаги қонунчилик талаблари асосида) Тошкент вақти билан соат 9:00 - 18:00 давомида амалга оширилади. Иш кунидан сўнг келиб тушган сўров кейинги иш кунидан соат 9:00 келиб тушган ҳисобланади.

10.4. Сўровларни кўриб чиқиш муддатлари:

Хатолик тури	Хатолик юзасидан ишлар бошлангани тўғрисида хабар бериш (иш соати ва иш куни)	Хатолик бартараф этилиши (иш куни ва соати)
авария	4 соат	1 иш куни
муаммо	1 иш куни	3 иш куни
носозлик	1 иш куни	иш тартибида

10.5. Хатоликни бартараф этиш Ижрочи Буюртмачини шу ҳақда ва амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида огоҳлантириши ва шу масалада барча амалий ёрдам кўрсатиши керак.

10.6. Мазкур Шартнома муддати яқунлангач тарафлар алоҳида ёзма келишув асосида мазкур муносабатларни давом эттиришлари мумкин.

11. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ-ЧИҚИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур Шартнома бўйича юзага келган низолар музокаралар орқали ҳал этилади, ўзаро келишувга келиш имкони бўлмаганида Тошкент туманлараро иқтисодий судида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

12. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

12.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

12.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қимматликлар олинишига йул қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

12.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

12.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор қилишни талаб қилиши шарт.

13. ЯКУНЛОВЧИ ШАРТЛАР

12.1. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ҳар бир тараф учун алоҳида 3 (уч) нусхада тузилади.

12.2. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар тарафларнинг ўзаро розилиги асосида қўшимча ёзма келишув тузиш ва уни ваколатли вакиллар томонидан имзоланиши орқали киритилади.

14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

«Ижрочи»:

“UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор“ МЧЖ
Тошкент шаҳар, А.Навой кўчаси, 28-б уй,
“Капитал банк” АТБ Тошкент шаҳар филиали, х/р: 20208000904198204001
МФО: 00445, СТИР: 204118319
ОКЭД: 62090

Бош директор

Э.И. Гимранов

«Буюртмачи»:

Пайтонек Туман ҲО қилмиши
Пайтонек 7, Савдо-саноат кўчаси 52 ҳа
УММН: 200760885
Керо: 050014
Х/р: 100080860184241011204015001
Меҳнатчи Банк Тошкент ш. Х/р



Э.И. Гимранов

А. Абдулов
131752732 31.06.2014. 4